

## 7-сонли шартнома

Тошкент шаҳри

2022 йил “29” апрел

“ISTIQLOL DIZAYN MARKAZI” МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи З. Ибрагимова бир томондан (бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги низом асосида иш юритувчи И.К.Эргашев, иккинчи томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ Агентликнинг инспекторлари учун махсус форма кийимбош тайёрлаб, етказиб бериш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

### 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1 Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга мувофиқ бўлган хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- техник шартларга мувофиқ булмаган сифатдаги хизмат кўрсатилган тақдирда, ўз хоҳишига кўра куйидагиларни талаб қилиш:
  - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
  - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
  - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

#### 2.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

#### 2.3 Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда шартномага асосан кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асосиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

#### 2.4 Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этиш.

### 3. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 Ушбу шартноманинг умумий баҳоси 744 000 000 (Етти юз қирқ тўрт миллион) сўм, (ҚҚС билан). Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2 Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади.

3.3 Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

#### 4. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1 Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2 Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3 Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

4.4 Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5 Буюртмачи бажарувчининг белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6 Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7 Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8 Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин Бажарувчини хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

#### 5 ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда Буюртмачига нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2 Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, бажарувчи томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3 Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

5.4 Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5 Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6 Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида этказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7 Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, энгил бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг қўйилаётган санасидан 10 (ўн) иш кўни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## 8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга онд халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай қафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;

- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-илоvasида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи

Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантрилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг ишгиروي хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## 10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи

“ISTIQLOL DIZAYN MARKAZI” МЧЖ

Манзил: г.Наманган ул. И.Каримов, дом 2

Х/р: 20 208 000 000 244 351 001

Банк: Тошкент ш. АТ “Алокабанк” Бош офиси

МФО: 00401

ИНН: 302659245

ОКЭД: 14130



3.Ибрагимова



Манзил:

Х/р:

Банк реквизитлари

МФО

ИНН:

ОКЭД:

Буюртмачи:

*Handwritten signature*

*Handwritten signature*

*Handwritten signature*

*Handwritten signature*

2022 йил 29 апрел даги

7-сонли шартномага

1-илова

### СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Товарлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи ККС билан	Сумма ККС билан
1	Рубашка с длинными рукавами	Дона	1200	620 000	744 000 000
2	Брюки полевые темно зеленого цвета	Дона	1200		
3	Поло с длинными рукавами	Дона	1200		
4	Кепка	Дона	1200		
	Жами:				744 000 000
	Жами				744 000 000

Бажарувчи

“ISTIQLOL DIZAYN MARKAZI” МЧЖ

Манзил: г.Наманган ул. И.Каримов, дом 2

X/p: 20 208 000 000 244 351 001

Банк: Тошкент ш. АТ “Алокабанк” Бош офиси

МФО: 00401

ИНН: 302659245

ОКЭД: 14130

Бажарувчи



З.Ибрагимова

Буюртмачи:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI O'SIMLIKAR  
KARANTINI VA HIMOYASI AGENTLIGI

Toshkent shah., Yakkasaroy tum., Bobur 1-tor ko'chasi, 17-uy

P/c: SHHR: 401 010 860 262 877 042 103 061 001

Bank rekvizitlari  
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi  
STIR: 201 283 204 OKED: 84130

MFO: G'azna/h.r.: 2340 2000 3001 0000 1010

ИНН: MB XKKM BB Toshkent shahar,

ОКЭД: G'AZNA-STIRI: 201 122 919 MFO: 00014

Буюртмачи



Handwritten signature at the bottom right of the page.

## ТАСДИҚЛАЙМАН

### Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги харид комиссияси раиси



Ж.Салихов

### Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги харид комиссияси йиғилишининг 1-сон баёни

29.04.2022 й

Тошкент шаҳри

**Раислик  
килувчи:**

Ж. Салихов - Ўсимликлар карантини ва химояси  
агентлиги харид комиссияси раиси

**Иштирок  
этганлар:**

Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги харид  
комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

### КУН ТАРТИБИ

Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигида фаолият юритувчи инспектор  
ходимлар учун махсус дала формани тайёрлаб бериш юзасидан “Энг яхши  
таклифни танлаш” дан кейинги муҳокама натижалари  
(кейинги ўринларда- таклиф) бўйича

(Т. Назаров, Б. Хашимов, У. Абдурахимов, Р. Келдиёров, М. Кодир).

Кун тартибидаги масала юзасидан Харид комиссияси котиби М.Кодир  
сўзга чиқиб комиссия аъзоларига қуйидагиларни маълум қилди:

2110012074673-сонли лот асосида ўтказилган таклифларни танлаш  
жараёни натижаларига асосан “ISTIQLOL DIZAYN MARKAZI” МЧЖ  
(744 000 000 миллион сум) инспекторлар учун махсус дала форма тайёрлаб  
бериш бўйича ўтказилан танловда ғолиб деб топилган ҳамда махсус ахборот  
порталига таклиф ва эътирозлар учун муҳокамага қўйилган бўлиб, юқоридаги  
натижа асосида таклифлар ва эътирозлар келиб тушмади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, натижа барча комиссия аъзолари  
томонидан муҳокама қилиниб, харид комиссияси қарор қилади:

1. 22110012074673-сонли лот бўйича энг яхши таклифларни танлаш  
ғолиби “ISTIQLOL DIZAYN MARKAZI” МЧЖ билан шартнома имзолансин.

2. Бухгалтерия бошқармаси танлаш жараёни бўйича ғолиб иштирокчилар билан шартнома имзоланишини ҳамда мазкур йиғилиш баёнини махсус порталга жойлаштирилишини таъминласин.

Танлаш комиссияси қарори бўйича розилар – 4 киши, қаршилар - йўқ, бетарафлар -1 киши. Қарор бир овоздан қабул килинди.

### Харид комиссиясининг аъзолари:


Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ж. Салихов


Бухгалтерия бошқармаси бошлиғи  Т. Назаров

Ишлар бошқармаси бошлиғи  Б. Хашимов

Юридик бўлим бош юрисконсулти  У. Абдурахимов

*(танлов комиссияси қарорига асосан)*

Ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашни мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи  Р. Келдиёров

Инновацион фаолият ва рақамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи  М. Кодирӣ  
*(танлов ташиқлотчиси, овоз бериши ҳуқуқисиз)*